



RESEARCH
SUPPORT CENTRE

ISSN: 2181-1520
SJIF: 5.563

МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ИЖТИМОЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ

2021 2 (2)

JOURNAL

OF CENTRAL ASIAN
SOCIAL STUDIES

Собиров Н., Абдуллаева Б.Х.	Следы австро-венгерских и германских военнопленных первой мировой войны в Андижанском уезде	110-116
Умматалиев С.Х.	Илк Ислом тарихига оид асарлар ва уларнинг хусусиятлари	117-126
Умаров Б.Б.	Н.А.Кисляков тадқиқотларида оила ва никоҳ муносабатлари	127-135

ИҚТИСОДИЁТ

Казаков О.С., Алижонов Б.	Кичик бизнеснинг глобализация даврида ривожланиш хусусиятлари	136-139
Даулетмуратов А.М.	Қорақалпоғистон республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш истиқболлари	140-147
Рашидов Р.А., Хасанбоева Н.Х., Отахонов С.М.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларидан фойдаланиш масалалари	148-159
Раимова М.Дж., Махатов С.И.	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	160-168
Мажидов Н.М., Юлдашева Г.В.	Пенсия жамғармаси фаолиятини тартибга солиш	169-174

Н.А.КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ



Бахтишод Бахридин ўғли Умаров

Магистрант,

Этнография, этнология ва антропология йўналиши,

Бухоро тарихи кафедраси

Бухоро давлат университети

b.b.umarov2019@buxdu.uz



<https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue02-a18>

Аннотация: Ушбу мақолада машхур этнограф олим Н.А.Кисляков тадқиқотларида XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудларида оила-никоҳ муносабатлари, улардаги ўзига хосликлар, катта оилалар яъни патриархал оилалар, уларнинг аста-секин емирилиб бориши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Н.А.Кисляков, катта патриархал оила, кичик оила, товар-пул муносабатлари, феодал-патриархал муносабатлар, кўчманчи ва ярим кўчманчи, Хингоу.

СЕМЬЯ И БРАЧНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ИССЛЕДОВАНИИ Н.А.КИСЛЯКОВА

Бахтишод Бахридин угли Умаров

Магистрант,

Направление этнографии, этнологии и антропологии,

Кафедра Бухарский истории

Бухарский Государственный Университет

b.b.umarov2019@buxdu.uz

Аннотация: В статье рассматриваются исследования известного этнографа Н.А. Кислякова в конце XIX - начале XX веков по семейно-брачным отношениям в Средней Азии и Казахстане, их особенностям, многодетности, т. Е. Патриархальным семьям, их постепенному распаду.

Ключевые слова: Н.А.Кисляков, многодетная патриархальная семья, малая семья, товарно-денежные отношения, феодально-патриархальные отношения, кочевой и полукочевой, Хингоу.

FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN N.A.KISLYAKOV'S RESEARCH

Bakhtishod Bakhrudin oqli Umarov

Master,

Department of Ethnography, Ethnology and Anthropology,

Bukhara history department,

Bukhara State University

b.b.umarov2019@buxdu.uz

Тарих / История / History

Abstract: This article deals with the research of the famous ethnographer NA Kislyakov in the late XIX and early XX centuries on family and marriage relations in Central Asia and Kazakhstan, their peculiarities, large families, ie patriarchal families, their gradual collapse.

Keywords: N.A. Kislyakov, large patriarchal family, small family, commodity-money relations, feudal-patriarchal relations, nomadic and semi-nomadic, Hingou.

Кириш

Оила соғлом экан, жамият мустақкам, мамлакат барқарордир. Оила ва оилавий муносабатлар кишилар ҳаёти ва турмуш кечиришининг таркибий қисми ҳисобланади. Оиланинг энг муҳим ижтимоӣ вазиғалари – инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш, оила ағзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали ўтказишдан иборатдир.

Маълумки, дунё халқларининг оила ва никоҳ тарихи ва унинг билан боғлиқ удум ва маросимлари этнология фанидаги энг устувор муаммолардан бири саналади. Бу масалада файласуф, ҳуқуқшунос, педагог, тарихчи олимлар самарали илмий изланишлар олиб боришган. Ўрта Осиёда этнографик йўналишда эса бу мавзуда Н.А.Кисляков, К.Шониёзов, Т.Тошбоева каби олимларнинг хизматлари беқиёсдир¹.

Ўзбекларнинг катта оиласини ўрганиш жараёнида этнографларнинг олиб борган тадқиқотлари бугинги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ Ўрта Осиё халқлари катта, яъни патриархал оиласи тарихи масалаларининг баъзи жиҳатларини ушбу мўжаз тадқиқотимизда ёритишга ҳаракат қилдик.

Этнографлар оилани икки типга – оддий (“кичик”, “нуклеар”, “индивидуал”

ва шу кабилар) –уйланмаган болаларни ёки болаларсиз никоҳдаги бир жуфт (ёки бир ота-она)дан иборат оилага ҳамда мураккаб (кенгайган типдаги оила, “катта оила”) –икки ёки уч оддий оиладан таркиб топувчи оилага ажратадилар.

Ўрта Осиё ўтроқ аҳолиси орасида катта патриархал оилалар қачон ташкил топган деган савол доимо этнограф олимларнинг диққат марказида бўлган.

Ўрта Осиё халқларининг оила тарихи муаммоси бўйича бир катор тадқиқотлар қилинган бўлиб, улар орасида Н.А.Кисляковнинг тадқиқотлари алоҳида ўринда туради.

Маълумки, Хоразм археологик-этнографик экспедицияси билан бир даврда 1957 йилда Н.А.Кисляков раҳбарлигида Ўрта Осиё этнографик экспедицияси ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу экспедиция фаолияти маҳсули сифатида 1969 йил Н.А.Кисляковнинг фундаментал асари чоп этилади². Олим ушбу асарда “патриархал оила” (“катта оила”) милоддан минг йиллар илгари шакланган, унинг гуллаб яшнаган даври эрамизнинг дастлабки асрларига тўғри келади, сўнгра уни оиланинг янги шакли –кичик оила сиқиб чиқара бошлаган. Бундай ўрин алмашув шаҳарларда ва умумий ривожланган райёнларда эрамизнинг дастлабки минг йилликлари ўртададида, кўчманчи

¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. Т.: “O‘zbekiston”. 2012, -Б.5.

² Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л.: Наука. 1969.

Тарих / История / History

худудларда эса X-XII асрларда содир бўлган. Бироқ иқтисодий жиҳатдан қийин жойларда патриархал оиланинг парчаланиш жараёни XIX аср охирлари – XX аср бошларига қадар чўзилиб келган.

Асосий қисм

Йирик олим С.П.Толстов милоднинг бошларида Хоразмда катта патриархал оилалар жамоаси пайдо бўлганлигини қайд этган бўлса-да³, Н.А.Кисляков, эҳтимол, бундай оилалар олдинроқ ҳам пайдо бўлгандир, бироқ ушбу масала бўйича бизнинг қўлимизда ҳеч қандай далил мавжуд эмас деган фикрни илгари суради⁴.

Н.А.Кисляков биринчи минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиёда катта патриархал оилалар кенгайган давр ҳисобланса, қўшни Эроннинг иқтисодий жиҳатдан илғор худудларида катта патриархал оилалар емирилиб, улар ўрнини кичик оилаларга бўшатиб берганлигини қайд этади. Бундан ташқари, иқтисодий қолоқ худудларда эса XX аср бошларига қадар катта патриархал оилалар сақланганлигини Тожикистоннинг айрим тоғли вилоятларида амалга оширилган тадқиқотлардан ва жанубий Хоразм воҳаси ўзбекларига оид йиғилган материаллардан аниқланганлигини ҳам мазкур асарида таъкидлайди⁵.

Хоразм воҳаси бўйича катта патриархал оилани ўрганган М.В.Сазанованинг маълумот беришича, катта оилалар асосан аҳолининг икки хил ижтимоий гуруҳи таркибида сақланган: биринчиси, ўзига тўқ оилалар ва дин уламолари орасида бўлса,

иккинчиси эса касодга учраш ва ерсиз қолиш арафасида турган аҳоли орасида. Оила аъзоларининг биргаликда яшаб, меҳнат қилганлари уларни бўлинишларига имкон бермаган. Хоразм воҳасида катта патриархал оилалар “оила” ёки “катта оила” атамалари билан юритилган⁶. Бундай катта оилаларнинг асосий машғулоти деҳқончилик бўлган. Оила бошида катта ёшли эмас, балки оила ичида энг юқори мавқега эга обрўли киши турган. Қишлоқ хўжалик ишлари асосан эркакларнинг зиммасида бўлиб, аёллар фақатгина ҳосилни йиғиштириб олишга ёрдам берганлар, қолган пайтларда эса уй хўжалиги билан банд бўлишган. Барча мулклар оила аъзолариники бўлиб, алоҳида бир кишига тегишли шахсий пул ёки даромад манбаи бўлмаган.

Н.А.Кисляковнинг таъкидлашича, оила бошлиғи барча ишларни тақсимлаган ва назорат қилиб турган; унинг хотини эса аёллар меҳнатини тақсимлаб берган. Меҳнатни тақсимлашда катъий тартиб ўрнатилган. Оиланинг ҳар бир аъзоси маълум ёш даврида меҳнатнинг оғир ва енгиллигига қараб ўз ишларини бажарганлар. Оила аъзоларининг бирортасида ҳам алоҳида даромад манбаи бўлмаган, ҳатто қалин пули ҳам қизнинг ота-онасига тегишли бўлмай катта оиланинг даромадига кирган⁷.

Хива хонлиги ўзбеклари орасида сақланган катта патриархал оила қолдиқларини ўрганган Г.П.Снесарев, худди шундай қариндош оилаларининг

³ Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.С.132.

⁴ Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — Л., 1959., С.239-240.

⁵ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л.: Наука. 1969. С.14-15

⁶ Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма. ТХАЭЭ. т. I. М.1952. –С.167

⁷ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана - Л., 1969, С.19;

Тарих / История / History

бирлашувидан –элатлар шаклланганлигини қайд этади⁸.

Академик К.Шониёзов ўзбек-қарлуқларининг турмушини ўрганар экан, XIX аср охирида улар учун энг характерли жиҳати оила асосий кўриниши –катта патриархал оила бўлганлигини айтади. Бундай оилалар 30 ва ундан ортиқ кишидан иборат бўлиб ота-она, унинг ўғиллари ва баъзида эса ака-ука ҳамда уларнинг оиласидан ташкил топган. Қашқадарё воҳасида истеъкомат қилувчи Косон қарлуқлари орасида ердан жамоа тарзида фойдаланишнинг “пайкал” шаклидан XIX аср охиригача катта оилалар ерларни тақсимлаб, биргаликда меҳнат қилганлари ва XX аср бошларидан эса ерларнинг кичик-кичик оила гуруҳлари томонидан бўлиб олиниши катта патриархал оилаларнинг тўлиқ емирилишига олиб келганлигини тадқиқотида алоҳида таъкидлайди⁹.

С.М.Абрамзон ҳам Ўрта Осие ва Қозоғистондаги бир қатор кўчманчи халқларда катта оиланинг мавжуд бўлганлигини қайд этади.

М.А.Бекжонова Фарғона водийсининг (Наманган вилояти) чекка жойларда тузилиши жиҳатдан катта патриархал оилага яқин 60-70, баъзан 100 кишидан иборат айрим оилалар бўлганлигини айтиб ўтади. Бундай оилалар никоҳдаги жуфтларнинг уч авлодини ота ва она, уларнинг уйланган ўғиллари ва уйланган невараларини қамраб олган. М.А.Бекжонованинг таъкидлашича, Фарғона водийси ўзбекларида катта патриархал оиланинг парчаланиши ва унинг кичик бир никоҳли оилага айланиш жараёнида

оиланинг ўтиш шакли юзага келган бўлиб, уни муаллиф бўлинмаган (ажралмаган) оила деб атайди¹⁰. Зеро, оиланинг бу кўриниши XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги ўзбеклар учун характерли хусусиятдир. Ажралмаган оила патриархал оиладан шуниси билан фарқланадики, уч ёки ундан ортиқ авлод вакилларидан эмас, балки икки авлоддан иборат бўлганда – бунда катта авлод бир жуфт –ота ва онадан иборат бўлиб, баржа уйланган ўғиллар улар билан бирга яшайдилар. Невараларни уйлантириш янги оиланинг ажралиб қичишига сабаб бўлган.

Т.Файзиёвнинг аниқлашича, Тошкент воҳасидаги ўзбек қурилмаларида XIX аср охири –XX аср бошларида оила шаклларида бири – икки ёки ундан ортиқ никоҳдаги жуфтлар (ота-она ва уларнинг уйланган бола-чақали ўғиллари) дан иборат ажралмаган оила бўлган. Бундай оилаларда 20 нафаргача киши яшаган. Қурамаларда, ўзбек халқининг бошқа гуруҳларида бўлганидек, уйланган ўғилларни катта оила бошлиғи бўлгандан кейин ҳам ажратиш унчалик маъқулланмаган¹¹.

XIX аср охири –XX аср бошларида катта оила кўпинча ўзига тўқ ва бойлар қатламида учрайди. Р.Я.Рассудованинг кўрсатишича, Зарафшон ва Фарғона водийсида, Қашқадарёнинг юқори оқимида яшайдиган ўзбекларда “қозон” атамаси (бир қозон) оилага нисбатан ҳам қўлланилган. Бу даврда катта оила Зарафшон водийси чорвадорларида, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ўзбекларида, Жиззах вилоятининг

⁸ Снесарев Г.П. О некоторых причинах сохранения религиозно-бытовых пережитков у узбеков Хорезма. СЭ, 1957, №2, С.67.

⁹ Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964, - С.138.

¹⁰ Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. –Т.: 1959, -С.23-24.

¹¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. Т.: “O`zbekiston”. 2012, -Б.31.

Тарих / История / History

Ғаллаорол тумани ўзбекларида, Зарафшон ва Фарғона водийлари қипчоқларида мавжуд бўлган¹².

XIX аср 80-йилларида товар-пул муносабатларининг кириб келиши, ёлланма меҳнат доирасининг кенгайиши катта оиланинг яхлит иқтисодий асосига аста-секин путур етказа бошлаган. XX аср бошларига келиб, катта оила ўзбекларда ижтимоий муносабатлар тизимида жиддий рол ўйнамай қўйган. Уйланган ўғилларнинг ажралиб чиқиб кетиши, кичик оиланинг ўзи бюджетига эгалик қилиб, алоҳида овқатланишини катта оила парчаланишининг бошланиши дейиш мумкин. Ерга алоҳида хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, умумий фойдаланиладиган ер-сувнинг бўлиб олиниши катта оиланинг парчаланишида сўнгги босқич бўлди. Табиийки, бу жараён деҳқонлар ижтимоий табақалашувининг кучайишига, улар асосий қисмини хонавайрон бўлиб, қашшоқлашувига, ёлланма кучни кўпайтиришга олиб келди. Оила тараққиётининг диалектикасидан кўринадики, хусусий мулкнинг ривожланиши катта оиланинг парчаланишига туртки бўлди. Янги оиланинг таркиб топиши ва замонавий муносабатлар ривожланишининг ўрганилиши ҳозирги кунда ўзбек оиласининг асосий шакли эр, хотин ва уларнинг болалари, баъзан ер ёки хотин ота-онасининг ҳам қамраб олувчи кичик оила эканлигини кўрсатди. Социологик тадқиқотларнинг далолат беришича,

ўзбеклар оиласининг 51,6 фоизи тузилмасига кўра кичик оилadir¹³.

Ўрта Осие ва Қозоғистон халқларида катта патриархал оила ва унинг этнографик хусусиятларининг илмий тадқиқи бугунги кунда этнология фанининг оила ва никоҳ масалаларига тегишли муаммоларни ечишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Н.А.Кисляков “Тожиқларда оила ва никоҳ” асари асосан муаллифнинг

1930 йилдан бошлаб 20 йил давомида Тожиқистонда тўплаган дала тадқиқот материалларига асосланган. Н.А.Кисляков никоҳ ва оила муаммоларини ўрганишни XX аср бошларида эллик ёки ундан ортиқ одамни ташкил этадиган катта патриархал, бўлинмаган оилаларни кичик тоғ қишлоғи ҳисобланмиш Вахиё-Боло қишлоғидан бошлади ва ушбу ишни “Ўрта Осие ва Қозоғистон халқлари оила ва никоҳ тарихи ҳақида очерклар” монографияси билан яқунлади¹⁴. Н.А.Кисляков томонидан тожиқлар тарихи ва уларнинг оиласи ва никоҳи масаласини кўриб чиқиш унинг келажакдаги тадқиқотлари учун марказий мавзу ҳисобланади. XIX-XX асрлардаги рус тадқиқотчиларининг материаллари ва этнографик соҳасидаги шахсий тадқиқот материаллари асосида ўзининг “Тожиқларда оила ва никоҳ муносабатлари” илмий асарини нашр этди¹⁵. Ушбу асарда Н.А.Кисляков нафақат тожик этносининг барча асосий гуруҳлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни умумлаштирди, балки ўз позициясини қўллаб-қувватлаш учун

¹² Рассудова Р. Я. Семейные группы: одна из форм организации труда в орошаемых районах Средней Азии (XIX - первая половина XX в.) // Страны и народы Востока. Выпуск XXV. География. Этнография. История. М.: Наука, ГРВЛ, 1987. С. 68

¹³ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. Т.: “O‘zbekiston”. 2012, -Б.35.

¹⁴ Н.А.Кисляков.Пережитки матриархата в брачных обрядах народов Средней Азии.//КСИЭ,1958,Вып.28. С21-27.// Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л,1969,240 с.

¹⁵ Бакиев Р.У. Вклад Н.А.Кислякова в изучение истории и этнографии Таджикистана ... дисс.кан. ист.наук. Душанбе. 2015. -С.73.

Тарих / История / History

Марказий Осие ва Яқин Шарқнинг қўшни халқлари билан таққосланган маълумотларини ҳам келтирди.

Н.А. Кисляков 1957 йилда этнограф олимлар орасида биринчи бўлиб нафақат тожиклар, балки бошқа Марказий Осие халқлари никоҳ маросимларида матриархат қолдиқлари тўғрисида мақола чоп етди. Н.А.Кисляковнинг илмий-тадқиқот ишларида оилавий ва никоҳ муносабатлари мавзуси тожикистонлик худудидан аста-секин чиқиб кетмоқда. Ушбу йўналиш унинг Ўрта Осие ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги оила ва никоҳ тарихига бағишланган монографиясида янада кўпроқ акс эттирилган. Н.А.Кисляковнинг XIX аср охири – XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Хингоу ёки Вахие дарёлари ҳавзасида (ҳозирги Тавилдара тумани, собиқ Гарм вилояти), Сангвор, Сафедорон, Язганд қишлоқларида, Панж дарёси Дарвоз (Қалъайи-Хумб тумани), Вяньж ва Язгулам дарёлари ҳавзаларида ҳавзасида яшаган тожиклар ўртасидаги оила тарихи ва никоҳ муаммолари бўйича тадқиқот материаллари алоҳида аҳамиятга эга.

Н.А.Кисляковдан олдин ҳеч ким бу муаммони шу қадар батафсил ва илмий ёритмаган эди¹⁶. Шаҳсий кузатувлари ва дала тадқиқодларида йиғилган материалларидан ташқари Н.А.Кисляков Е.М.Пещерованинг қўл ёзма материалларидан, шунингдек, А.З.Розенфелд томонидан Гарм вилоятининг турли худудларидан тўпланган аёллар, аёллар меҳнати, оила ва никоҳга оид турли масалаларда тўпланган материаллардан фойдаланган. Н.А.Кисляков тожикистонлик олимларнинг оила ва никоҳ тўғрисида нашр қилинган

материаллардан ҳам фойдаланган, улар тўплаган материалларнинг иштирокисиз бу асар етарли даражада тўлиқ бажарилиши мумкин эмас эди¹⁷. Тўпланган материалларнинг янгилиги, асосан танланган тадқиқот мавзусининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ, чунки Н.А.Кисляковгача тожик оиласида янги оила ва оилавий муносабатларни ривожлантириш муаммолари аниқ кўрсатиб ўтилган илмий адабиёт яратилмаганди.

Н.А.Кисляков Тожикистон (Шарқий Бухоро)да оилавий ва маиший муносабатларни шакллантириш бўйича олиб борилаётган изланишлар жараёнида қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга уринди:

1. Унда мавжуд бўлган материалларни таҳлил қилиш асосида “кундалик ҳаёт”, “оила” ва “оилавий муносабатлар” тушунчасини аниқлаш, унинг олдига қўйилган тадқиқот мақсадларига жавоб берадиганларни ажратиш кўрсатиш;

2. Тожикларнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги оилавий ва маиший муносабатларнинг ўрни ва ролини ёритиб бериш;

3. Обьектив, умумий ва ўзига хос қонуниятлар ҳаракати натижасида тожикларда янги оилавий ва маиший муносабатларнинг шаклланиш жараёнини акс эттириш;

4. Шарқий Бухоронинг айрим минтақаларида яшаш жойи ва хусусиятлари жиҳатидан тожикларнинг оилавий ва маиший муносабатларини шакллантириш хусусиятларини аниқлаш;

5. Тожиклар ўртасида оилавий ва маиший муносабатларнинг

¹⁶ Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахией-Боло.М-Л,1936г. –С.160.

¹⁷ Кисляков Н.А. Пещерова М. Таджики Каратегина и Дарваза. Сталинабад,Таджгосиздат,1954 г.

Тарих / История / History

янги шакллари аниқлаш ва шакллантириш, сифат жиҳатидан янги оилавий-маиший муносабатларга ўтиш истиқболлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

Тадқиқот натижасида у қуйидаги натижаларга эришди:

– тарихийлик принципнинг асосий тоифалари, шунингдек, асарда аниқланган “оила”, “кундалик ҳаёт”, “оилавий муносабатлар” тоифалари ёрдамида оилавий ва ижтимоий муносабатлар, уларнинг жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни каби мураккаб ҳодисани услубий таҳлил қилиш кўрсатилган;

– оилавий муносабатларни шакллантириш жараёнида тез-тез учрайдиган муаммоларни Тожикистон бўйича аниқ материаллар асосида умумлаштириш;

– оилани шакллантириш хусусиятлари Тожикистоннинг ўзига хос географик, этник, тарихий хусусиятлари шароитида кундалик муносабатларда капиталистик ривожланиш йўлини четлаб ўтганлар:

• қишлоқ хўжалигини sanoatлаштириш натижасида республиканинг тоғли ва водий минтақалари аҳолиси ўртасида яшаш шароитлари ва турмуш даражаларининг яқинлашиши;

• алоқа йўллари қуриш, авиация, электрлаштириш, телефон, радио, телевидение ва бошқаларни яратиш натижасида республиканинг айрим минтақаларини ажратиб олиш ва ажратиб олишнинг тез суръатлар билан ривожланиши;

• янги социалистик оилавий ва маиший муносабатларнинг шаклланиши ва мустақамланиш тезлигини тезлаштириш ва ушбу муносабатларнинг реакцион хусусиятларининг қолдиқларини енгиб ўтиш;

• республика аҳолиси этник гуруҳлари вакиллари (тожиклар, ўзбеклар, татарлар ва бошқалар) ўртасида аралаш никоҳлар, шунингдек, миллатлараро никоҳлар сонининг кўпайиши.

Н.А.Кисляковдан олдин Хингоу дарёси ҳавзасидаги тоғли тожикларга оид этнографик материаллар жуда кам, маълум бир мавзуларда эса маълумотлар умуман бўлмаган, бу олимга илмий изланишлар олиб боришда маълум бир қийинчилик туғдирган. Олим тоғли тожикларга оид этнографик материалларни бир вақтнинг ўзида Сталинобод, Бухоро, Чуст, Бойсун, Ўра-Тубе, Исфара ва Кўлоб шаҳарларида тўплаган¹⁸. Н.А.Кисляков ўз изланишларида нафақат Хингоу дарёси ҳавзасидаги, балки Ванж ва Помир минтақасидаги тоғли тожиклар ўртасидаги оила ва никоҳ масалаларига алоҳида эътибор берган. Бухоро амирлиги тугатилгунга қадар бўлган даврда тожик оиласини характерловчи, илмий тадқиқотининг асосий ва устувор йўналишлари қуйидагилардир: оилавий шакллар, экзогам нормаларнинг сақланиш даражаси, никоҳ шакллари ва тўй маросимлари.

Тоғли тожиклар орасида Н.А.Кисляков аҳолининг бешта қабила гуруҳига бўлинишида намоён бўлган

¹⁸ Кисляков Н.А. Таджики КНР, в кн: Народы Восточной Азии, М.1965, с.610-614// Сайробские таджики. СЭ, 1965, №2, С11-21.//некоторые материалы по этнографии таджиков верховий Кашкадарья, Тр.АН

Тадж. ССР, Инст. Антр.арх.этногр.1960, т120, С77-90, // Кулябские таджики. Сообщ. Тадж.фил. АН СССР, 1949, №11, С.34-36.

Тарих / История / History

оилавий ҳаёт изларини очиб берди¹⁹. Уларнинг ҳар бири ўз ҳудудига ва ўзига хос исмига, умумий аجدоддан келиб чиқиши ҳақидаги ривоятларга, диалектологик хусусиятларга, қабила авлиёларига ва бошқа баъзи хусусиятларга эга эди. Сангвор (Вахио-Боло) қишлоғини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, олим ХХ асрнинг бошларига қадар аҳолининг туғилиши (оталик томони) бўйича сақланиб келганлигини ва уларнинг ҳар бири алоҳида қишлоқларни эгаллаганлигини аниқлади. Ота-боболарининг масжид, экин экиладиган ерларда “ҳашар” (қўшничилик ёрдами) ўзаро умумий ёрдам асосида ишлаганлар²⁰. Ванж водийсига саёҳат пайтида Н.А.Кисляков томонидан тўпланган материаллар ҳақиқатан ҳам бу ерда катта патриархал оиланинг мавжудлигини тасдиқлади.

Табиийки тожиклар орасида катта оилалар кичик оилаларга қараганда катта ер майдонлари, кўп миқдордаги чорва моллари ва бошқа мол-мулк эгалари бўлган. Катта оилани сақлаб қолишнинг асосий сабаби ушбу оилалар хўжалигининг даромади билан боғлиқ. Россия босқинигача асосан сақлаб қолинган кўп сонли катта оилалар амалдорлар ва беклар оилалари эди.

Шундай қилиб, патриархал оиланинг ўрнини моногам оила эгаллади, улар ҳали ҳам патриархал муносабатларни у ёки бу даражада тоғларда, озроқ даражада текисликларда сақлаб қолишди. Моногам оила эрнинг ҳукмронлигига асосланган бўлиб, у “никоҳ ришталарининг мустаҳкамлиги билан анча фарқ қилади”²¹, у фақат эр

томонидан бекор қилиниши мумкин. Бироқ, исломнинг шаръий меъёрлари текислик ҳудудларда, ўтроқ аҳоли орасида кўпроқ таъсир кўрсатган, тоғларда еса оилавий муносабатларда кучли одатий қонунлар мавжуд бўлган.

Хулоса

Шуни таъкидлаш керакки, бадавлат оилаларда, савдогарлар оилаларида, шунингдек, зодагонлар оилаларида, аёл одатда, умуман меҳнатда қатнашмаган. Худди шу оилаларда кўпхотинлилик ҳам содир бўлган. Аксинча, шаҳарда ўртача даромадли оилаларда, шунингдек, камбағал оилаларда, бундан ташқари, кичик хунармандларнинг оилаларида аёллар мавқеи нисбатан эркин эди ва кўпинча бу ерда ишлаб чиқариш фаолиятида аёллар ҳам иштирок этган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминловчи маънавият кўрғони бўлган оила мавзусига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.²²

Фойдаланилган адабиётлар:

¹⁹ Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахисеи-Боло. М-Л, 1936, 160с. Тр.Ин-т антр.этногр. и арх.АН СССР, Т.10.сер.№2.

²⁰ Шовалиева М. Вклад Н.А.Кислякова в изучении семьи, брака и семейных отношений у таджиков. Наследие предков, 2010 г., №13, С..186-187.

²¹ Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков, Ленинград, 1957, С.- 151.

²² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: 2000. –Б.66.

Тарих / История / History

1. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. Т.: "O`zbekiston". 2012.
2. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л.: Наука. 1969.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.
4. Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — Л., 1959.
5. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л.: Наука. 1969.
6. Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма. ТХАЭЭ. т. I. М.1952.
7. Снесарев Г.П. О некоторых причинах сохранения религиозно-бытовых пережитков у узбеков Хорезма. СЭ, 1957, №2.
8. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964.
9. Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. —Т.: 1959.
10. Рассудова Р. Я. Семейные группы: одна из форм организации труда в орошаемых районах Средней Азии (XIX - первая половина XX в.) // Страны и народы Востока. Выпуск XXV. География. Этнография. История. М.: Наука, ГРВЛ, 1987.
11. Н.А.Кисляков. Пережитки матриархата в брачных обрядах народов Средней Азии. // КСИЭ, 1958, Вып. 28.
12. Бакиев Р.У. Вклад Н.А.Кислякова в изучение истории и этнографии Таджикистана ... дисс. кан. ист. наук. Душанбе. 2015.
13. Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахией-Боло. М-Л, 1936г.
14. Кисляков Н.А. Пещерова М. Таджики Каратегина и Дарваза. Сталинабад, Таджгосиздат, 1954 г.
15. Кисляков Н.А. Таджики КНР, в кн: Народы Восточной Азии, М. 1965,
16. Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахией-Боло. М-Л, 1936.
17. Шовалиева М. Вклад Н.А.Кислякова в изучении семьи, брака и семейных отношений.